

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 23 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Ўзбек ва туркман халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимизни ягона тарих, муштарак маданият ва қадриятлар, ўхшаш тил ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги мустақкам ҳамкорликка асос бўлмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида илк хорижий ташрифи 2017 йил 6-7 март кунлари Туркменистонга бўлган эди. Мазкур тарихий ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатида яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганининг ёрқин далили, давлатимиз раҳбарининг қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни мустақкамлашга интилишининг ифодаси сифатида эътироф этилди.

Дўстона учрашув ва музокараларнинг асосий натижаси ўлароқ, икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга — стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яқин дўстлиги, ўзаро самимий ҳурмати ва ишончи мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Президентларнинг ҳар бир учрашуви икки давлат муносабатлари кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Президентимизнинг ўтган йил май ва сентябрь ойларида Туркменистонга амалий ташрифлари чоғида икки давлат раҳбарлари учрашиб, ҳамкорликнинг кенг қамровли йўналишлари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларининг бу галги учрашуви ўзаро манфаатли ва фаол мўлоқотнинг мантиқий давомидир.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий қутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказдилар.

Президентимиз Туркменистон Президентини Ўзбекистон заминида самимий қўллаб, ушбу ташриф мамлакатларимиз муносабатлари ривожига муҳим сиёсий воқеа, яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз

изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади.

— 2017 йил мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига тарихий йил бўлди. Ўзбекистон Президенти Туркменистонга уч маротаба ташриф билан борди. Бу мамлакатларимизнинг стратегик даражадаги муносабатларига янги суръат бахш этди, эришилган келишувлар амалга оширилишига жиддий туртки берди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 55 фоиз ўсди. Бу, албатта, ўтган йилги келишувларимиз натижасидир. Олий даражадаги бу галги музокаралар ушбу суръатни янада ошириш йўлида жиддий қадам бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарига таъриф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

— Туркменистон ва Ўзбекистон тинчликсевар давлатлари, яхши қўшнилик сифатида танилган. Мамлакатларимиз халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ўзаро алоқаларни янада мустақкамлаш учун яхши имкониятдир. Туркменистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳалар бўйича кенгайтиришга тайёр, — деди Гурбангули Бердимухамедов.

Минтақавий хавфсизликни мустақкамлаш мамлакатларимиз ҳамкорлигида алоҳида даҳамият касб этади. Ўзбекистон ва Туркменистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланишнинг самарали механизмларини яратиш тарафдоридир. Мамлакатларимиз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича яқдил фикрга эга.

Учрашувда терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланishi, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада мустақкамлаш зарурилги қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 15 март куни Қозғистоннинг Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг

биринчи маслаҳат учрашувини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун Гурбангули Бердимухамедовга миннатдорлик билдирди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлари қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Музокаралар икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, нефть-кимё, транспорт-коммуникация, қишлоқ ҳўжалиги, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустақкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ ҳўжалиги техникаси, сархил ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё, тайёр текстиль маҳсулотлари, турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан туркистонга нефть ва нефть маҳсулотлари, механик ускуналар, пропилен полимерлари, бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодиётида ҳали тўла ишга солинмаган қўллаб-қувватлаш мавҳиди. Улардан фойдаланиб, ўзаро савдо айланишини жадал ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш зарурилги таъкидланди. Икки мамлакат бозорларида харидорғир маҳсулотлар етказиб бериш, худудлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди. 2020 йилга бориб, товар айирбошлаш ҳажми 500 миллион долларгача етказиш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти бу борада аниқ амалий натижаларга эришишда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди. Мазкур комиссиянинг жорий йил 1 март куни Тошкентда ўтказилган учра-

шуви савдо-иқтисодий алоқалар мустақкамланишида яна бир қадам бўлди.

Турли даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда. Март ойида Ашхободда Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди. Шу кунларда пойтахтимизда Туркменистон миллий кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес форуми бўлиб ўтмоқда.

Музокараларда бундай кўргазмаларни мунтазам ўтказиш, савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз минтақада йирик энергетик лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Йилига 25 миллиард куб метргача газ етказиш қувватига эга Туркменистон — Ўзбекистон — Қозғистон — Хитой газ қувури лойиҳаси шулар жумласидандир.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Амударё устида қурилган Туркменобод — Фараб автомобиль бунинг тасдиғидир. Мазкур кўприклар Президентимизнинг 2017 йил март ойида Туркменистонга давлат ташрифи чоғида тантанали равишда очилган эди.

Ўзбек ва туркман халқларини бир-бирига боғлаб турадиган тарих, маданият ва урф-одатлар халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустақкам асос бўлмоқда.

Ўзбекистон таълим муассасаларида Туркменистоннинг 720 фуқароси тахсил олмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон вакиллари икки мамлакатда ташкил этилаётган турли маданий тадбирлар, концертлар, фестиваллар ва танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон спорт делега-

цияси 2017 йилнинг сентябрь ойида Ашхободда ўтган V Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича Осиё уйинларида иштирок этди. Ноябрь ойида Туркменистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида мамлакатимиз санъат усталари ва маданият арбоблари иштирокидаги концерт, бадий асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда туркман миллатига мансуб 192 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган.

Мамлакатимизда туркман тилида дарс бериладиган 44 мактаб фаолият юритмоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида туркман филологияси йўналишида мутахассислар, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида туркман тили ўқитувчилари тайёрланмоқда.

Музокаралар давомида транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, бу орқали мамлакатларимизнинг ушбу йўналишдаги рақобатбардошлигини ошириш зарурилги қайд этилди. Қишлоқ ҳўжалиги техникаси, автомобиллар, электр техникаси ускулаларини ҳамкорликда ишлаб чиқариш, нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш, чегараолди худудлар ўртасида савдо-сотикни ошириш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа масалалар бўйича келишувларга эришилди. Ўзбекистоннинг Туркменистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон газ қувури қурилиши лойиҳасида иштирок этиши қайд этилди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар.

Икки томонлама ҳамкорлики сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида янада мустақкамлашга ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга доир 17 ҳўжат имзоланди.

Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, 2018 — 2020 йилларга

мўлжалланган транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамда 2019 — 2021 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро дастурлар, Ўзбекистон ва Туркменистонда савдо уйлари ташкил этиш, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш тўғрисида битимлар, Ўзбекистон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Икки томонлама ҳамкорлики қишлоқ ҳўжалиги, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, фан-техника, қасаба уюшмалари ва бошқа соҳаларда янада мустақкамлашга доир ҳўжатлар қабул қилинди. Усимлиқлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, икки мамлакат қасаба уюшмалари ва хотин-қизлар қўмиталари ўртасида Англасув меморандумлари, ёшлар ташкилотлари ўртасида Англасув меморандуми шулар жумласидандир.

Шунингдек, ташриф доирасида олий ўқув юртлири ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларига оид 15 ҳўжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очик, самимий, ишчанлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳўжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф бурди. Олий мартабали меҳмон ҳўрриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзу ниятларимиз рамизи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига ҳўрмат бажо келтирди.

2017 йил май ойида Ўзбек ва туркман халқлари боқий дўстлиги ҳамда қардошлигининг рамизи сифатида Тошкент шаҳрида Махтумқули номидаги кўча ва унга бағишланган мейморий ёдгорлик очилган эди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Махтумқули кўчасига ташриф бурди. Президентлар машҳур туркман шоири ва мутафаккири ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Ҳаёт ансамблига айланган бу ҳиёбон Гурбангули Бердимухамедовда катта таассурот қолдирди. Туркман халқи, адабиёти ва маданиятига қўрсатилаётган ҳўрмат-эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи шарафига Махтумқули кўчасида “Ашхобод сайилгоҳи” барпо этилди. Икки давлат раҳбарлари ушбу сайилгоҳнинг очилиш маросимида қатнашдилар.

Президентлар боғда яратилган шароитлар билан танишди. Икки давлат раҳбарлари Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг рамизи сифатида “Ашхобод сайилгоҳи”га қўчат ўтказди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Матназор ЭЛМУРДОВ, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ТУРКМАНИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Ҳўрматли кўргазма иштирокчилари! Туркменистоннинг етакчи корхоналари, компания ва ташкилотлари раҳбарлари! Қадрли дўстлар!

Туркменистон Президенти ҳўрматли Гурбангули Миялигулиевич Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида Тошкентда ўтказилаётган Туркменистон миллий кўргазмасининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини улкан мамнуният билан самимий қўтайман.

Ўзбекистон ва Туркменистон — стратегик шериклардир. Бизнинг халқларимизни кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, умумий тарих, дин ва тил, маданият, урф-одат ва аънаналар муштараклиги мустақкам боғлаб келади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик қатъий сиёсий ирода ҳамда олий даражадаги самарали учрашувлар давомида эришилган келишувларни биргаликда амалга ошираётганимиз туфайли изчил ривожланиб, аниқ маъно-мазмун билан бойиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, ўзаро ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишини савдо-иқтисодий соҳа ташкил этади. Ўтган қисқа даврда биз бу борада ҳақиқатан ҳам муҳим аҳамиятга молик натижаларга эришдик.

Кейинги йилларда биринчи марта ўзаро савдо ҳажми жадал суръатлар билан ортиб бормоқда. Мамлакатларимиз корхоналари ва ташкилотлари ўртасида иқтисодиётнинг аънаванавий равишда бир-бирини тўлдирадиган тармоқларида кооперация алоқалари кучаймоқда.

Бу ўринда аввало ёқилғи-энергетика мажмуаси, қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик, темир йўл транспортини модернизация қилиш ва бошқа қўллаб соҳалардаги лойиҳалар ҳақида сўз бормоқда.

Биз транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ҳамда давлатларимиз ва бутун минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятини самарали ишга солишга қаратилган ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирмоқдамиз.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда мамлакатларимиз бизнес ҳамжамиятлари ўртасидаги изчил ишбилармонлик алоқалари ҳамда худудлараро мустақкамлиги бораётган ҳамкорлик доирасида кенг истиқболлар очилмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Бундан бир ой олдин Ашхободда Туркменистон Президентининг бевосита қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистон миллий саноат кўргазмаси муваффақиятли ўтказилган ва у туркменистонлик шерикларимизда катта қизиқиш уйғотган эди.

Бугун биз мамлакатимизнинг нафақат ишбилармон доиралари, балки бутун жамоатчилигининг эътибор марказида турган Туркменистон миллий кўргазмасини очмоқдамиз.

Кўргазма мажмуасида бугунги Туркменистон иқтисодиётининг улкан салоҳияти ва юксак эътирофга молик ютуқлари, унинг бой табиий, илмий ва интеллектуал ресурслари, замонавий технологиялари кенг намойиш этилмоқда.

Шу билан бирга, бу ерда ташкил этилган ёрқин экспозиция қардош туркман халқининг қадимий ва ноёб маданияти ҳамда аънаналари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Туркменистоннинг халқаро миқёсда эътироф этилган барча ютуқлари ҳўрматли Гурбангули Миялигулиевич Бердимухамедовнинг чқур ўйланган, самарали сиёсати натижаси эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Қадрли кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлари!

Сизларни икки томонлама муносабатларимиздаги қўтулғ воқеа — Ўзбекистон пойтахтида Туркменистон миллий кўргазмаси очилиши билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Ишончим комил, кўргазма якунида иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперация алоқаларини ривожлантиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустақкамлашга хизмат қиладиган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича янги савдо шартномалари ва битимлар имзоланади.

Барчангизга кўргазмада самарали иш олиб бориш, муваффақиятли музокаралар ўтказишни тилайман.

Меҳмондўст Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Туркменистон миллий маҳсулотлари намойиши

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуида Туркменистон миллий кўргазмаси очилди.

Кўргазма

Унда Туркменистоннинг етакчи компания ва ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, тадбиркорлар қатнашиб, нефть ҳамда кимё саноати, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат, қурилиш, транспорт ҳамда

логистика, тўқимачилик, тиббиёт, фармацевтика, туризм соҳаларидаги ва илмий-техникавий ютуқларни кенг намойиш этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Туркманистон миллий маҳсулотлари намойиши



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўргазма иштирокчиларига табрик йўллади. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н. Отажонов ўқиб эшиттирди.

Саноат форумининг очилишида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳамда Туркманистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик йилдан-йилга изчил ривожланиб, янгича мазмун-моҳият билан бойиб бормоқда. Хусусан, савдо-иқтисодий соҳа ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири саналади. Ўтган қисқа даврда бу борада катта натижаларга эришилди. Иқтисодиётининг турли тармоқларида кооперация алоқалари мустаҳкам-



Раҳим ШЕРКУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ ва Бахтиёр АҚРАМОВ олган суратлар.

АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ МУОВИНИ ТОМАС ШЭННОН БИЛАН СУХБАТ

«Америка овози» телерадиоси (АҚШ), 17 апрель.

АҚШ Давлат котибининг Сиёсий масалалар бўйича муовини Томас Шэннон «Америка овози» билан махсус суҳбатда нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиёга нисбатан ёндашувни тушунтирди, балки Афғонистон, Покистон ва глобал аҳамиятга эга мавзулар ҳақида ҳам гаплашди.

Шэннон назарида Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев ўзгаришлар қилишга қодир ва бу борада кучли иродага эга лидер. Ислохотлар жараёни мураккаб, лекин оққага қайтмаслик керак, дейди у, қадамма-қадам, бир маромда олдинга интилавериш лозим.



Вашингтон бу борада яқиндан ёрдам беришга бел боғлаган. Қуйида «Америка овози» телерадиоси мухбири Навбахор Имомова-нинг Т. ШЭННОН билан ўтказган интервьюсини тақдим этамиз.

Н. Имомова: — Марказий Осиёга бориб турибсиз. Библишимизча, сиз минтақа шайдосисиз.

Т. Шэннон: — Жудаям.

Н. Имомова: — Сўнгги марта борганимизда Тошкентда Афғонистон юзасидан ўтган анжуманда АҚШ делегациясига бошчилик қилдингиз. Афғонистон борасида йигин кўп ва мулоқот кенг. Тошкентдагисини нимаси билан бошқача?

Т. Шэннон: — Тошкент анжумани Кобул процесси деган жараён билан боғлиқ. Президент А. Ғани Тolibонини тинчлик музокарасига чақирган ва афғонлар, биродарлар орасида мурося қилиш мақсади айнан шу платформада муҳокамада. Тошкентдаги йигининг муҳим жиҳати шуки, унда айнан шу мақсад ҳақида гап кетди. Кобулдаги мулоқот Тошкентга кўчди ва халқаролашди. Иштирокчиларнинг сони ошди. Тolibон-га чақирик кўчади. Ягона йўл музокара қилиш ва халқро ҳамжамият Кобул тақлифини ёқлаиди ва афғонлар бири-бири билан ярашишини истаиди, дея баралла баён қилинди.

Н. Имомова: — Лекин халқро ҳамжамиятнинг ўзи Афғонистон борасида яқдилми? Кўплаб иштирокчилар ўзаро зиддиятдаги томонлар.

Т. Шэннон: — Тўғри, ўринли савол. Кўплаб давлатлар, Афғонистоннинг қўшнилари Афғонистонда турлича манфаатларга эга. Лекин ҳамма тинчлик истаиди. Мурося қилиш муҳим эканини билади. Ҳамма ўз манфаатларини ҳимоя қилиши учун мамлакатда барқарорлик томон етакловчи қадамлар ташлашини керак. Менимча, бу анжуманининг асосий ютуғи — Ўзбекистон мана шу долзарб масала муҳокамасини очик ва кенг майдонга айлантирди. Давлатларни ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мулоқот столига олиб келди. Анжуман Афғонистонда Тolibон ва марказий ҳукумат орасида мурося зарура-

ти нафақат бор юрт, балки халқро тинчлик ва фаровонлик, тараққиёт ва янги имкониятлар томон йўл очишини кўрсатиб берди. Айниқса, хавфсизлик масаласига ургу берилди.

Н. Имомова: — Сизнингча, Покистон, Россия, Хитой, Хиндистон, Афғонистон ва Марказий Осиёнинг беш давлати бу борада бир ёқадан бош чиқара оладими? Айтишга осон...

Т. Шэннон: — Албатта.

Н. Имомова: — Келишмовчиликлар талай улар орасида...

Т. Шэннон: — Дипломатик синов бу. Масала ва вазифа шунда. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари учун ҳам шундай. Бу анжуман Ўзбекистон ташаббуси ва унинг меҳнатиди махсули. Марказий Осиё бир овоздан қувватлади уни. Афғонистон тинчлиги нақадар муҳим экани тан олинди. Демак, умид бор. Биз барча ҳукуматлар берган сўзининг устидан чиқиши учун ҳаракат қиламиз. Чиқмаса, нега, деб ўрганамиз. Афғонистондаги уруш қандай оқиб бориши кераклиги юзасидан яқдиллик йўқ эди. Бугун биз урушни эмас, тинчликни муҳокама қилаёلمиз. Муросяга қандай эришиш йўлларини. Афғонлар нима қилиши керак, халқро ҳамжамият нима қила олади?

Н. Имомова: — Хўш, энди нима? Анжуманда ҳамма меморандум билан чиқди. Кейинги конкрет қадамлар нима?

Т. Шэннон: — Томонлар ўзаро масалаҳатлашмоқда. Ҳамкорлар билан мулоқотда, жумладан, Марказий Осиё давлатлари ва хусусан Ўзбекистон билан. Тошкентдаги анжуманда ҳаммамиз бир-биримиз билан гаплашиб олдик. Кейинги қадамлар устида ишлаяёلمиз.

Н. Имомова: — Покистонда вазият охириги кунларда қалтис. Библишимизча, АҚШ дипломатлари постидан 40 километрдан узоққа бора олмапти. Трамп маъмурияти қаршилиқ билдирган, шундайми?

Т. Шэннон: — Дипломатларимизнинг сафар қилиши чекланган. Покистон ҳукумати руҳсатсиз узоққа бора олмаиди. Дипломатияда бу табиий ҳол. Лекин, қайд этаман, Покистон билан мулоқотда-миз. Афғонистон ҳақида ва ўзаро ҳамкорлик юзасидан доимий алоқадамиз. Бирга ишлаш умиддамиз.

Н. Имомова: — АҚШ ҳам Покистон дипломатларига чеклов қўядими Вашингтонда?

Т. Шэннон: — Одатда, нариги томонинг қадамга мос қадам қўямиз.

Н. Имомова: — Демак, чеклов қутиш мумкин. Ўзбекистонга қайтсак, Президент Шавкат Мирзиёев билан бир неча бор қўришдингиз, гаплашдингиз. Қандай раҳбар у, назарингизда?

Т. Шэннон: — Қисқа даврда катта ишлар қила олган лидер. Ўзбекистонни қўшилларга очди ва минтақа унга ижобий жавоб берди. Афғонистон анжумани унинг минтақавий фаоллигининг яққол исботи. Масалани, ўз ташаббусини халқро майдонга олиб чиқди ва олқиланди.

Биз Мирзиёев билан кенг стратегик мулоқот олиб бораёلمиз. Ҳамкорлик кенгайиши учун замин ҳозирлаёلمиз. Назаримда, Мирзиёев аъло даражали шерик.

Н. Имомова: — Биласиз, Ўзбекистон ислохотлар жараёнида қувватловга муҳтож. Бу борада Ўзбекистон раҳбарияти билан гаплашгансиз. Кенг қамровли учрашувлар ўтказгансиз.

Сиз бўл тажрибага эга дипломатсиз. АҚШ дунё бўйлаб турли давлатларда ислохотлар жараёнини қандай қувватларгани биласиз. Америка ислохотларда ёрдам бераман деб чиққанида нимани эплайди-ю, нимани эплай олмайдиган?

Т. Шэннон: — Ажойиб савол. Ислохотларга ёрдамимиз ҳамкор давлатнинг иродасига боғлиқ. Реал ўзгаришлар қиламан, деган томон билан ишлаганимизда, кўмағимиз самара берган. Сабр-тоқат ҳамда давомийлик ва бир маромда ҳаракат қилишга келганда орада тушунмовчиликлар бўлади. Айтмоқчиманки, ислохотлар бошлаётганда жараённи белгилаб олиш керак. Процесс сиёсий жиҳатдан тўхтовсиз бўлишини таъминловчи қарорлар қилиш керак. Шундагина қадамма-қадам ютуққа эришиш мумкин. Ҳар бир қадам мақсадга мувофиқ бўлиши зарур. Жараён секин, вақт керак.

Марказий Осиёда ислохотлар қилиш осон эмаслигини тушунамиз. Бой ўтмишга эга минтақа, лекин сиёсий тузумлар бу борада тажрибага эга эмас. Совет ўтмиши, мустақиллик йилларидаги машаққатли дарв, халқро майдонда ўрин топиш, хавфсизлигини таъминлаш — қийин синовлар. Ислохотларда самарали ёрдам бера олиш биздан ўша мураккаб муҳитни тушуна олишни талаб қилади. Лекин кўп нарса ислохотлар бо-

шида турган ҳукумат ва унинг раҳбарига боғлиқ.

Н. Имомова: — Демак, Мирзиёев сиз учун кучли иродали шерик, яқиндан ишласа бўладиган?

Т. Шэннон: — Яхши ишляёпмиз у билан.

Ўзбекистон халқи сингари биз ҳам шошмасдан таҳлил қилаёلمиз. Бир-биримиздан ўрганаёпмиз. Ўз учрашува мулоқотларимга асосланиб, ишончим комилки, Ўзбекистон ҳукумати биз билан яқиндан ишлашни ва кенг ҳамкорлик қилишини истаиди.

Ўзбекистон ҳукумати ва биз барча имкониятларни ишга солган ҳолда ҳаракат қилишга келишиб олганмиз. Алоқаларимиз кучаяр экан, ҳар бир ишимиз ислохотлар жараёнида мадд бўлсин, деймиз. Биз Ўзбекистон Европа давлатлари ва Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни амалга оширсин, деймиз.

Н. Имомова: — АҚШ ташқи сиёсий приоритетларида Марказий Осиё қай ўринда?

Т. Шэннон: — Биз учун жуда муҳим минтақа. Турли ўйинлар ва қўллар орасида қолмай муқтақил бир регион сифатида оёққа туртишга ҳаракат қилаётган ҳудуд.

Н. Имомова: — Вашингтон у ерда ўйин ўйнамаётганини қайд этиб келади.

Т. Шэннон: — Шундай. Мақсадимиз Марказий Осиёнинг беш давлати билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва минтақа атрофидаги мамлакатлардан фарқ қиладиган, ўзига хос бир шерик бўлиш. Ўзоқдаги ишончли тавнч бўлишни истаёмиз.

Бошқа давлатлар сингари бу минтақа мамлакатлари ҳам ўз тарихига эга. Қўшнилар билан тил топишишга мажбур. Шу билан бирга, дунё билан боғланишни, халқро тизимларга уланлишни истаиди. Биз ҳам шуни хоҳлаёмиз — муштарак манфаатларга эга шерик бўлиш.


Н. Имомова: — Марказий Осиё раҳбарлари билан гаплашганингизда улардан келаси 10 — 15 йил учун бирор режа ёки узоқ муддатни кўзловчи мақсад ҳақида эшитасизми? АҚШ келажакин, одатда, шундай режаилади. Стратегия шунга қараб белгиланади.

Т. Шэннон: — Мана шу мақсадлар ҳақида иш кетмоқда ҳозир. Минтақада бирдамлик кўчайгани сари узоқ муддатли режалар ва келажақ ҳақида тасаввур шаклланади. Ўзлари бу борада гаплашмоқда. Улар бир-бирининг яқин келажақдаги вазифа ва хавотирларини тушунади. Чегара хавфсизлиги, суътаминоти, тижорат, хизматлар, Афғонистон ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш учун реал ҳаракат бор. Ўзбекистоннинг оқиллаётгани бу жараёндаги асосий туртки. Ҳукуматлар янгича руҳда стратегик фикрлай бошлаган.

Режеп Таййип Эрдоғоннинг мафкура масалалари бўйича маслаҳатчиси Ёлчин Топчи, фан, саноат ва технологиялар вазири Фарук Ўзлу, мамлакат парламенти аъзолари, хорижий давлатлар, дипломатик корпус ҳамда халқро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

ка, балки Евросиё минтақасини ўзгартираётган, материкда иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришнинг асосий омилга айланган чўқур ҳамда жадал ислохотлар учун берилди.

Х. Эрен Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон, Туркия, Россия, Хитой, Жанубий Корея билан ўзаро алоқаларда мисли қўрилмаган ўсишга эришганини алоҳида эътироф этди. Унинг сўзларига кўра, комиссия аъзолари Ўзбекистонда мазкур йўналишда қўйилаётган тарихий қадамларни катта завқ-шавқ билан кузатиб боришида ҳамда биринчи муқофотни мазкур давлат



етақчисига топиришга аҳд қилишди. Уюшма раҳбарининг қайд этишича, бу борадаги қарор бир овоздан қўллаб-қувватланган. Ушбу ташкилот бошқаруви кенгаши ва унинг барча аъзоси номидан Х. Эрен Ўзбекистоннинг Туркиядаги Фақуллода ва муҳтор элчисини сахнага чақирди ҳамда муқофотни давлат раҳбарига бутун Евросиё ҳамкортачилиги олдидаги мисли қўрилмаган ҳамда тарихий хизматлари белгиси сифатида топиришни сўраган ҳолда, тантанали равишда тақдим этди.

О. ФАЙЗИЕВ таъйёрлади.

Сирдарёлик ёшларга библиобус топширилди

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда, узоқ қишлоқларда яшайтган ёшларнинг китобга бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган кенг қўлмали ишлар амалга оширилмақда.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Хусусан, яқинда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгаши Президентимиз совғаси — библиобус, яъни кутубхона шаклидаги махсус автотранспорт воситаси топирилди. Китобларни ташиш ва сақлашга мўлжалланган транспорт воситаси жавонларидан 2 мингдан зиёд китоблар ўрин олган.

— Ушбу совға чекка ҳудудларда яшайдиган аҳоли, хусусан, ёшларни миллий ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд этиш имкониятини бериши

билан янада қимматлидир, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари И. Ботиров. — Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, библиобус борадиган қишлоқларда шoir ва ёзувчилар иштирокида учрашувлар ҳамда адабий кечалар ўтказилади.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими Ф. Мирзаев сўзга чиқди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Судларда жиноят ишлари ошқора кўрилади

Хар жихатдан мукаммал, пухта қонунлар инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш баробарида, жамиятда адолат, қонунийлик тамойиллари устуворлигини ҳам таъминлайди.

ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Президентимиз томонидан жорий йил 18 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ҳам тегишли қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритилди.

Кайд этиш жоизки, шу кунга қадар амалда бўлган жиноят процессуал қонунчилиги суд мажлисини видеоконференцалоқадан фойдаланган ҳолда кўриб чиқиш имконини бермас эди. Яъни жиноят иши ишни кўраётган суд жойлашган суд мажлисида кўрилар, бу тартиб бошқа ҳудудда яшаётган жиноят процесси иштирокчилари учун маълум миқдорда моддий маблағ ва вақт сарф қилинишини тақозо этарди (йўл харажатлари, яшаш, овқатланиш ҳамда бошқалар).

Мазкур ҳужжат билан жинойи суд ишларини юритиш такомиллашди, вақт ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенгроқ қўллашга имконият яратилди. Айниқса, видео-конференцалоқа тизимининг жорий қилиниши судлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда назорат қилишдаги фаолият самардорлигини ошириш, одил судловга эришишни кафолатлаш, ишларнинг тезкорлик билан кўриб чиқилишини таъминлашда долзарб аҳамият касб этди. Бинобарин, мазкур тизим судлар фаолиятига тааллуқли ташкилий масалалар билан боғлиқ маълумотларнинг тезкор етказилишини, йиғилиш, семинар ва конференцияларнинг масофавий тарзда ўтказилишини таъминлайди.

Қонунда инсон манфаатлари муҳофазасига оид яна бир қатор афзалликларни кўриш мумкин. Чунончи, барча судда жиноят ишларини ошқора кўришга алоҳида эътибор қаратилади. Судларда жиноят ишларини

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати.

Нега тадбиркорни қўллаб-қувватламайсиз?

Ўрганишларда мутасадди рахбарлар эътибори ушбу саволга қаратилди.

Аввал хабар қилинганидек, шу кунларда парламент аъзолари жойларда бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказаяпти, Президентимиз томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлари ижросини ўрганмоқда. Бу галги учрашувларда депутат ҳамда сенаторлар халқ ишончини қозониш, манфаатларини муҳофаза этишда таъсирчан механизмларни ҳаётга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратаишаётир.

ДЕПУТАТЛАР — ТУМАНЛАРДА

Чунончи, Бухоро вилоятининг Когон туманида тиббий хизмат, хусусан, бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш аҳолини ўрганаётган халқ вакиллари диққатини Сараён маҳалласида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг мурожаати тортди. Маълум бўлишicha, бу ердаги қишлоқ врачлик пункти фаолияти айрим сабабларга кўра тўхта-тилган. Зарурат туғилганда, одамларнинг ҳамаси 9 километр оилсдаги ҚВПга боришларига тўғри келмоқда.

“Барча қулайликка эга бинода пунктнинг филиали очилса, шу ҳудудда яшовчи кексалар ва ёш оуналар учун аини муддао бўларди”, деган тақлиф инобатга олинди”, деган доимий ишловчи ҳамшира ҳамда навбатчи врач фаолияти йўлга қўйилди. Шу тарика бир муаммога жойида ечим топилди.

— Биз ўрганиш жараёнига халқ депутатлари туман Кенгаши депу-татларини ҳам жалб этдик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назир Собиоров.

— Бу ҳудудлардаги ҳақиқий аҳолни чукур билиш имконини бермоқда. Секторлар фаолияти, жойларда аҳолини қийнаб кела-ётган масалаларни ўрганаётиб, туманда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганига ҳам амин бўлдик. Шу билан бирга, фуқаролардан табиий газ боси-ми пастлиги, ички йўлларнинг но-созлиги хусусида қўллаб эътирорлар тушмоқда. Биз муаммоларни шу ернинг ўзида ҳал қилишга эътибор қаратаёпмиз. Дейлик, 2,5 километр масофага қувур

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Солиқ ва бож тўловларида қандай ўзгаришлар бўлди?

Мамлакатимизда халқимизни рози қилиш, ижтимоий адолатни барқарор ўрнатиш, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳоли манфаатларини муҳофаза этиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Қабул қилинаётган ҳар бир қонун, Фармон ва қарор замирида одамларга энгиллик беришдек улуғвор мақсадлар мужассам.

ЯНГИ ҚОНУНЛАР

Хусусан, 2018 йил 18 апрелда имзоланган “Ўзбекистон Рес-масига кўра аудио ҳамда видео-ёзувдан фойдаланган ҳолда ўткази-лиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қиммати-ни камситадиган маълумотларни ошқор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳ-нинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек, улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавф-сизилигини таъминлаш тақозо қилинган ҳолларда бошқа ишлар-ни суд ахирими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Судлов фаолиятида ошқораликни кенгайтириш учун судлар зарур ҳолларда оммавий ахборот воситалари ходимларини, тегишли жамоат бирлашмаларини ва жамоаларни бўлажак процесс-лар тўғрисида хабардор қилиши, шунингдек, процессларни бево-сита қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларида ўтказиши мумкин.

Эндиликда суднинг қонуний кучга кирган қарорлари жиноят процесси қатнашчиларининг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг рас-мий веб-сайтида эълон қилини-ши мумкин, бундан ёпиқ суд мажлисларида қўрилган ишлар бўйича суд қарорлари мустасно.

Умуман айтганда, мазкур Қонун ҳар бир инсоннинг кон-ституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга, суд ишларининг адо-латли ўтказилишини кафолатла-шга хизмат қилади.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Йиғилишда миллий қонун ҳуж-жатлариимизда болаларни меҳнат-га жалб этиш ҳамда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, бирон-бир жазони қўллаш билан таҳ-дид қилиш, шу жумладан, меҳ-нат интизомини сақлаш восита-си тариқасида иш бажаришга мажбурлаш учун қатъий тақия-зарда тутилганлиги ва бунинг учун маъмурий жавобгарлик жо-рий этилганлиги таъкидланди.

Бинобарин, Ўзбекистон Халқ-аро меҳнат ташкилотининг аъзо-си бўлгани ҳолда, мазкур таши-лотнинг 14 та конвенциясини ра-

тификация қилган. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХМТ ўртасида бу борада изчил мулоқот олиб борилаётганлиги те-гишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни такомиллаштиришга кўмаклашаяпти. ХМТ билан ҳам-корликда 2017 — 2020 йилларда Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича Мамлакат дастури рўёбга чиқарилмоқда. Халқро меҳнат стандартларини миллий қонун ҳужжатларимизга ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилиш босқичма-босқич амал-га оширилаётир.

Адолат қарор топса, давлатга ишонч ортади

Андижон вилоятида ташкил этилган оммавий қабулларда фуқароларнинг 800 га яқин мурожаатлари кўриб чиқилди.

Шу йилнинг 20-21 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожа-атлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлашти-риш хизмати томонидан Андижон вилояти туманларида оммавий қабуллар ўтказилди. Вилоятдан давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонасига бўлган мурожаатлар қатор вазирликлар, бошқармалар мутасаддилари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилди ҳамда уларни қаноатлантириш чоралари кўрилди.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Айтиш жоизки, шу кунгача вилоятда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси иштирокида уч марта оммавий қабул ташкил этилган бўлиб, уларда жами 3 миңдан ортиқ масалалар кўриб чиқилди. Шулардан 92 фоизи жойида ижобий ҳал қилинди. Бу галги қабул вилоятнинг тўртта ту-манида ташкил этилган бўлиб, уларда 16 та шахар ва тумандан ташриф буюрган фуқароларнинг 800 га яқин мурожаатлари кўриб чиқилди. Ўрганиш натижаси таҳ-лил қилинганда, аҳолини энг кўп қийнаётган муаммолар — уй-йўл, бандлик, коммунал хизмат, суд, банк, тиббиёт ҳамда тадбиркор-лик соҳаларига оид бўлиб, ав-валги мурожаатлардан фарқли ўлароқ, фуқароларда жамиятда-ги жараёнларга нисбатан бе-фарқлик барҳам топиб, уларда фаоллик ва дахлдорлик ҳисси ку-чайиб бораётганлигига гувоҳ бўласиз. Масалан, Избоскан, Олтинкўл, Андижон ҳамда Пахтаобод туманлари фуқарола-ри муаммоларига ечим топиш мақсадида Избоскан туманида ташкил этилган оммавий қабул-да сўз олган 77 ёшли Ўсаржон Сотволдиев шундай дейди:

— Мен истикомат қилаётган

Олтинкўл туманининг Чинобод кўчасида шароит жуда яхши. Кўча-миз асфальтланган. Йўлимиз те-кис ва равонлиги билан ҳамиша фарқланамиз. Бирок 9-умумтаъ-лик мактаби жойлашган ҳудудда-ги 450 метрдан иборат йўл қарийб беш йилдан буён таъмирталаб-ли-гича қолмоқда. Бу ерда 1000 на-фар ўқувчи тахсил олаяпти. Ёзда чанг, қишда лой кўнадан азият че-каётганлар мана шу болажонлар-дир. Ҳеч бўлмаганда, шағал тўкиш ишлари амалга оширилмаса, на-бираларимиз кўзига қандай қараймиз?

Мурожаат ечимини кутишга тўғри келмади. Олтинкўл тумани ҳокими Бахтимурод Қаримов шу йилнинг 20 май кунига қадар ушбу ҳудудда нафақат асфальтлашти-риш, балки ободонлаштириш иш-лари ҳам амалга оширилишини ваъда қилди.

— Иккинчи жаҳон уруши йил-ларида осмонимиз мусофаф бўлиб, юртимизда тинчлик ҳуки сурамикин, деган хаёлга борар-дим, — дейди Избоскан тумани-нинг Пойтуғ шаҳрида яшовчи 97 ёшли Қўчқоров ота Йўлдошев.

— Шуқрлар бўлсинки, бугун ана шундай дориламон кунларда яша-япмиз. Ҳар кунимиз осуда ўтаёт-

шахслар томонидан бу ишларни бажарганлик учун олинадиган да-ромадларга ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ҳисобланмайди.

Қишлоқ аҳолисининг ишлаб чиқаришнинг турли йўналишлари билан шуғулланишларини рағбат-лантириш мақсадида ягона ер солиғи тўловчилари бўлган кўп тармоқли фермер ҳўжаликлари тегишли реестрга киритилган кундан бошлаб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромад турлари бўйича ягона солиқ тўло-вини тўлашдан беш йил муддат-га озод қилинадилар.

Мазкур Қонунга мувофиқ, Солиқ кодексининг айрим норма-лари таркиби кенгайтирилди. Жумладан, агар авваллари тари-хий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тарихий-мада-ний қўриқхоналар, хотира боғла-ри, сағаналар, археология ёдгор-ликлари, тарих ҳамда маданий ёдгорликлари эгаллаган ерлар кирган бўлса, эндиликда ушбу ерлар тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдала-нишга берилган бўлса ҳам (ҳўжа-лик фаолияти юритилаётган ер-

лар бундан мустасно) солиқ солинмайдиган ер участкалари сирасига киритилди.

Шунингдек, Қонунда мол-мулк-ка ҳўжасизларча муносабатда бўлган ҳоллар бўйича Солиқ ко-дексига ўзгартишлар киритиш масаласи ҳам кўриб ўтилган. Ми-сол учун, давлат органлари ўзбо-шимчалик билан қурилган имо-ратларни бузиш тўғрисидаги даъ-волар бўйича умумий юрисдик-ция судларида давлат божини тўлашдан озод этилмоқда. Бун-дан ташқари, давлат органлари жисмоний шахсларга тегишли бўлган тарихий, илмий, бадий қимматга ёки ўзга маданий қим-матга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулк-ка ҳўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда улардан давлат мулкига олиб қўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан ҳам судларда давлат божини тўлашдан озод қилинмоқда.

Қолаверса, мазкур Қонунга асосан, давлат божини тўлаш тартибига аниқлик ҳамда қўшим-чалар киритилди. Хусусан, дав-лат нотариал идораси биносидан ташқарида — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

биноларида нотариусларнинг сайёр қабуллари чоғида амалга ошириладиган нотариал ҳаракат-лар учун давлат божни авваллари икки баравар миқдорда ундирил-ган бўлса, бундан буён бир ба-равар миқдорда ундирилиши белгилаб қўйилди.

Умуман, ушбу Қонун билан Солиқ кодексига киритилган янги имтиёзлар солиқ ва бож тўлов-ларининг адолатлилик принци-пини мустақамлаш билан бирга, аҳоли қатламларининг ижтимоий қўйлаб-қувватланишига ҳам хизмат қилади. Мазкур имтиёзлар давлатимиз раҳбарининг кўрсат-масига биноан Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартишларнинг дебоҳаси бўлиб, уларни келгуси-да солиқларнинг тури ҳамда миқ-дорини оқилона белгилаш орқа-ли, жисмоний ва юридик шахс-ларга солиқ юқини камайтириш бўйича олиб борилаётган ўзга-ришларнинг бошлангич босқичи, деб баҳолаш мумкин.

Мухамет ДЖУМАҒАЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар масалалари
қўмитаси раиси.

қишлоқ ҳўжалиги ҳамда бошқа жамоат ишларига доир ахборот кампаниyasi самарали ўтказилма-ганлиги, ишларнинг паст савияда ташкил қилинганлиги, ташкилот-лар ва муассасалар, фермер ҳўжаликлари ҳамда деҳқон ҳўжаликлари раҳбарлари қонун ҳужжатларини билмаслиги мажбу-рий меҳнатнинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликка халақит бермоқда.

Йиғилишда фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқлари-ни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари-ни ҳамда халқро шартномаларни тўлиқ рўёбга чиқариш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни юзага келтирадиган ҳар қандай ҳолатнинг олдини олиш ҳамда уларга йўл қўймасликка доир чора-тадбирларни қучайтириш, шартнома асосида ободонлашти-риш ва жамоат ишларини ташкил этиш бўйича амалга оширилаёт-ган тадбирлар тўғрисида кенг омма эътиборига ишончли ахборотларни етказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ахборот ва алоқа бўлими

Ахборот ва алоқа бўлими

туманида бўлиб ўтган қабулга кел-ган Асака, Шахрихон, Марҳамат туманлари ва Андижон шаҳри фуқаролари ҳам бу каби масалага ечим топишдан умидворлар. Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида яшовчи Муаттар Сотиболдиева улардан бирдир. — Биз истикомат қилаётган ҳовли Боғишамол даҳасининг қир-адирлик ҳудудида жойлашган. Ота-боболаримиздан мерос қолиб келаётган бу уйларнинг, афсуски, шу пайтгача кадастр ҳужжатлари йўқ. Бу кўчмас мулкни сотиш ёки сотиб олишда ўзига хос муаммо-лар туғдирмоқда. Атрофимизда ўзлаштирилмаган ҳудудлар қўп-лиги боис қўшимча тураржой бино-ларини қуриб олганмиз. Бу оқо-нуний эканлигини вақтида тушун-маганмиз. Уларга кадастр ҳужжа-ти тайёрлашда қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Шу масалада ёрдам сўраб келган эдим, мута-сддилар кераклик кўрсатмаларни беришди.

Ана шундай юртдошлари-миздан яна бири Гавхарой Деҳқонова Олтинкўл туманидаги Маслаҳат маҳалласининг Ҳасан-Хусан кўчасида яшайди. Афсуски, беъътйборлик, қолаверса, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмаслик унинг кадастр масаласидаги муаммосига сабаб бўлади. Бу масалани бартараф қилиш учун қилган мурожаати шу жойнинг ўзида ижобий ҳал эти-либ, унинг тураржойи кадастр ҳужжатларини тузиш чораси кўрилди.


Жойларда ташкил қилинган оммавий қабуллар давомида на-фақат мурожаатлар тингланди, айни чоғда кам таъминланган оилалар ҳолидан ҳабар олинди, моддий ва маънавий қўмак берилди.

Қайсики давлатда адолат устувор экан, шу ерда ривожла-ниш, тараққиёт бўлаверади. Зеро, адолатнинг катта-кичиги бўлмайди. Бир инсон кўнглига йўл топиб, унинг дардига малҳам бўлиши, муаммосини ижобий ҳал этиш ҳам адолат йўлида ташланган катта қадамдир. Адолат бор жойда эса халқнинг давлатга ишончи, эртанги кунга умиди ортади.

Саминжон ХУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Жаҳон кубогидаги муҳим натижа



20 — 22 апрель кунлари Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубогининг учинчи босқич баҳслари ўтказилди.

Унда вакилларимиздан ташкари Арманистон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Россия, Исроил, Қозоғистон, Қирғизистон, Словения, АҚШ, Чехия, Эстония ҳамда Украинадан келган спортчилар саккиз йўналишда голиблик учун курашди.

Мусобақада ҳамюртимиз Сабина Ташкенбаева қувонарли

Шерали Жўраевга — 10 минг АҚШ доллари

Шахрисабзда кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Амир Темур хотирасига бағишланган VII халқаро турнир бўлиб ўтди.



Қизикарли ва мурасис руҳда кечган беллашувларнинг мутлақ вазн тоифасида ҳамюртимиз

Шерали Жўраев ғалаба қозониб, олтин медаль ва Президент соврини — 10 минг АҚШ долларини қўлга киритди.

“Ҳисор” марказий стадионида ўтказилган нуфузли турнирда дунёнинг 30 га яқин мамлакатларидан энг кучли курашчилар қатнашди. Мусобақада эркаклар ўртасида тўртта, аёллар ўртасида иккита вазн тоифасида голиблар аниқланди.

Боксчиларимизнинг навбатдаги ғалабаси

Фолиятини профессионал боксда давом эттираётган ҳамюртларимиз Шахрам Ғиёсов ва Муроджон Аҳмадалиев иккинчи жанглирида ҳам ғалаба қозонишди.



Нью-Йоркдаги “Kings Theatre” аренасида ўтказилган баҳсда Шахрам венгриялик Ғабор Горбиксга қарши рингга қўтарил-

ди. Олти раунд давом этган беллашувда боксчимиз тажрибали рақибини очколар ҳисобида мағлубиятга учратди.

Яна бир боксчимиз Муроджон Аҳмадалиев эса ўзининг иккинчи жангини америкалик Жорж Руизга қарши ўтказди.

Муроджон бир раундда рақибига бир қатор зарбалар йўллади. Охир-оқибат Жорж нокаутга учради.

О. ЛУТҒУЛЛАЕВ тайёрлади.

ИЗЛАНИШ

Яқин-яқингача Қашқадарё вилоятининг қолақ ва чекка ҳудуди сифатида қараб келинган Деҳқонобод тумани ижтимоий-иқтисодий ҳаётида кейинги пайтларда қўллаб ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳалари, айниқса, саноат тармоқлари ривожланиб, у обод ҳамда гўзал ҳудудга айланиб бормоқда.

“Тепакўтон” калийли тузлар қони негизда “Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи” унитар корхонасининг ишга туширилгани нафақат ушбу туман, балки мамлакатимиз саноатида муҳим воқелик бўлди. Негаки, мазкур яирик саноат объекти фойдаланишга топширилгач, юртимизда калийли ўғитлар ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилди.

ДЕҲҚОНОБОДДАГИ ХАЗИНА

ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай роль ўйнамоқда?

Айни пайтда қарийб 2 минг нафарга яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган мазкур корхонада йилига 300 минг тоннадан ошқ калий ўғити тайёрланиб, унинг 95 фоизи экспорт қилинмоқда.

— 2010 йилда заводимизда 50 минг тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, 2018 йилнинг дастлабки уч ойида ундан 16 минг тонна кўп, яъни 66 минг тонна маҳсулот тайёрланди, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича бош муҳандиси Мухтор Ҳасанов. — Йил охирига қадар ушбу кўрсаткични 314 минг тоннага етказиш белгиланган. Ваҳолонки, ўтган йили 280 минг тонна калий хлорид маҳсулоти ишлаб чиқарилган эди.

Президентимизнинг қишлоқ ҳўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлашга доир тегишли қарорига асосан, “Агрокимё-химоя” ҳудудий акциядорлик жамиятларига биржа савдолари асосида минерал ўғит етказиб бериш бўйича шартномалар тузилиб, шу асосда ички бозор калий хлорид минерал ўғити билан таъминланмоқда.

Лекин корхона фолиятида асосий йўналиш экспортга қаратилган. У иш бошлаганидан буён умумий экспорт миқдори 810 минг тоннага етказилгани бунинг яққол далилидир. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи туширилган маҳсулотлар Синга-

пур, Туркменистон, Малайзия, Хитой, Эрон, Бирлашган Араб Амириклари, Ироқ, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Грузия, Япония, Ҳиндистон, Арманистон, Туркия, Молдова, Вьетнам каби давлатларга етказиб берилмоқда. Саховатпешалик — халқимизга хос фазилат. Эҳтиёжманд оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳолидан хабар



олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Деҳқонобод тумани ички акциядорлик жамоасида эзгу анъанага айланган.

Гап шундаки, ҳудуд аҳолиси, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашда завод жамоаси ташаббускор бўлмоқда. Масалан, 2017 йилда 32 нафар шу тоифадан фуқаро ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, Деҳқонобод агросаноат ҳамда Деҳқонобод саноат ва хизмат кўрсатиш қасб-хунара коллежлари битирувчиларидан 24 нафари тўрт томонла-

ма шартнома асосида заводга ишга қабул қилинди.

Бундай хайрли ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Наврўз байрами кунларида эҳтиёжманд оилалар учун 10 та суннат ҳамда 5 та никоҳ тўйи ўтказиб берилди. Тўйболаларга 500 минг сўмлик, келин-куёвларга 1 миллион сўмлик банк омонат қарточкалари

— Бугун энг катта муаммо-миз ечимини топиб, ўз уй-жойимизга эга бўлдик, — дейди завод марказий лабораторияси лаборанти Бибойша Нормўминова. — Ётоқхонамизда маданий дам олиш хонаси ҳам ташкил этилган. Унда даврий нашрлар, телевидение ангилликлари билан қилиши бориш мумкин. Иккинчи қаватида эса кутубхона

мамнун қилди, — дейди меҳнат фахрийси Бозор Бердиев. — Биз, кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромдан миннатдормиз. Мана, яқинда туманимизда “Нуронийлар маскани” курилиб, фойдаланишга топширилди. Оқсоқоллар бу ерда дам олиш билан бирга, тиббий муолажа ва маслаҳатлар олиши учун зарур имкониятлар

мавжуд.

Таъкидлаш керакки, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи томонидан тикувчилик цехи ишга туширилгач, корхона эҳтиёжи учун зарур тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини четдан олишга ҳожаат қолмади. Улар шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда.

— Цехимизда, асосан, заводнинг тоғ-кон ва ишлаб чиқариш мажмуалари ишчи-хизматчилари учун махсус қиймлар тикилади, — дейди ишчи Низомиддин Ғузоров. —

Таъкидлаш керакки, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи томонидан тикувчилик цехи ишга туширилгач, корхона эҳтиёжи учун зарур тикувчилик-трикотаж маҳсулотларини четдан олишга ҳожаат қолмади. Улар шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда.

— Президентимиз шу йил Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Деҳқонобод туманидаги ичимлик суви масаласи, сув омбори курилиши ва бошқа бир қатор муаммоларга алоҳида тўхталиб, уларни ҳал этиш бўйича аниқ кўрсатмалар бергани бизни

М. АҲАДОВ.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 10 МАРТДАН 16 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 27 январдаги 3/5-сон “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жисмоний шахслар-резидентларга нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2678-2 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 27 январдаги 3/4, 01-02/19-11-сон “Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1326-2 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 7 февралдаги 335-В-1, 01-02/12-17-сон “Хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2694-1 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 12 февралдаги 35, 2018/09-02, 225-В-2, 2018-06, 01-02/8-6-сон “Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1183-2 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 20 февралдаги 1-мб-сон “2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2956-1 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 37, 2018-18-сон “Конунчиликда белгиланган муддатларда устав маблағларини (жағмармаларини) шакллантирмаган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1144-1 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 7-сон “Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг сотиш нархларида истиқболлини белгилаш ва ҳисобини юритиш бўйича кўрсатмаларини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 789-1 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 12 мартдаги 145-мб-сон “Идораий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1442-3 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 162-мб, 7, 23-сон “Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2541-2 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қўматили қозғолар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 20 февралдаги 2018-02-сон “Қўматили қозғолар реестриси ва эмиссия қўматили қозғолар чиқаришларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2000-6 (2018 йил 13 мартдан қучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 7 мартдаги 53, 2018-25-сон “Давлат рўйхатидан ўтқизилган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслардан қатъий белгиланган солиқни ундириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2463-1 (2018 йил 12 мартдан қучга кирди).

12. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлигининг 2018 йил 5 февралдаги 68-сон “Йўловчилар ва юкларни автомобиль транспортида ташвиш билан шугулланаётган юридик шахсларнинг ҳодимларига ва юкларни автомобиль транспортида ташвиш билан шугулланаётган яқна тартибдаги тадбиркорларга қўйилмаган малака талаблари тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1626-9 (2018 йил 14 мартдан қучга кирди).

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 14 февралдаги 5, 24-сон “Саноатда қайта ишлаш учун мулкдорларнинг экстракция пакта мойини биржа савдолари орқали фақат “Ўзпакгаз” акциядорлик жамияти тизимидаги корхоналарига сотилиши тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2979 (2018 йил 14 мартдан қучга кирди).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 8/1, 54, 2018-12-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-7 (2018 йил 14 мартдан қучга кирди).

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 12 февралдаги 20, 348-В-1-сон “Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки бўлимларига орқали ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 14 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2980 (2018 йил 14 мартдан қучга кирди).

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 2, 19-сон “Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1655-1 (2018 йил 16 мартдан қучга кирди).

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 23 февралдаги 11-87, 20-сон “Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг ҳавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2981 (2018 йил 16 мартдан қучга кирди).

18. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қасб-хунара таълими марказининг 2018 йил 12 февралдаги 12, 3, 2/ққ-сон “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқишга қараётган ўқувчиларни тиббий қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2982 (2018 йил 16 мартдан қучга кирди).

19. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 27 февралдаги 01/10-10/15-сон “Корхоналарнинг санацияси жаравини мониторинг қилиш тартиби, шунингдек унга ўзгаришларни ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 485-4 (2018 йил 16 мартдан қучга кирди).

20. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 25 январдаги 4-Б-сон “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларини меҳнат шaroитлари ва асосбўйсуналарининг жароҳатлаш ҳавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича санитария-техник ҳолатни паспортлаштириш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2983 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/3-сон “Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюораларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2332-2 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 феврал-

даги 7/6-сон “Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2933-1 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

23. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2018 йил 15 мартдаги 4-Б-1-сон “Ишлаб чиқаришда ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби, шунингдек унга ўзгаришлар ва қўшимчаларни ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруғи.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 839-2 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 9 мартдаги 8/2-сон “Тижорат банкларда юбилей саналарга бағишланиб зарб қилинган тангаларни сотиб олиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартибини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 16 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 527-1 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг “Импорт истеъмол товарларини ҳисобга олиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1183, 2002 йил 25 октябрь), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 1183-1, 2005 йил 18 март).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 140-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг “Конунчиликда белгиланган муддатларда устав маблағларини (жағмармаларини) шакллантирмаган хорижий сармояли корхоналардан солиқлар ундириш тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1144, 2002 йил 27 май).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 142-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг сотиш нархларида истиқболлини белгилаш ва ҳисобини юритиш бўйича кўрсатмалар (рўйхат рақами 789, 1999 йил 30 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 12 мартдаги 143-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Муддатли ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг “Бюджет ва давлат мақсадли жағмармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1442, 2005 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 1442-1, 2016 йил 20 июнь), (рўйхат рақами 1442-2, 2017 йил 4 декабрь).